

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ДЖУРАБАЕВ ДЖАЛОЛ ТУРГУНБАЕВИЧ

**ЭРУВЧАН ПОЛИМЕРЛАР АСОСИДА ГЕЛ КОМПОЗИЦИЯЛАР
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ЖАРОҲАТ БИТКАЗУВЧИ
«ТИМОГЕЛЬ» ҲАМДА УЛЬТРАТОВУШ ТАШХИСИ УЧУН
«ПОЛИЖЕЛЬ УЛЬТРА» ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Джурабаев Джалол Тургунбаевич

Эрувчан полимерлар асосида гел композициялар олиш технологияси ва жарохат битказувчи «Тимогель» ҳамда ультратовуш ташхиси учун «Полижелъ Ультра» дори воситаларини ишлаб чиқиш..... 3

Джурабаев Джалол Тургунбаевич

Технология получения гелевых композиций на основе гидрофильных полимеров и разработка ранозаживляющего препарата «Тимогель» и контактной среды для ультразвуковой диагностики «Полижелъ Ультра»..... 21

Djurabaev Djalol Turgunbaevich

The technology of obtaining gel compositions based on hydrophilic polymers and the development of the wound-healing preparation «Timogel» and the contact medium for ultrasound diagnostics «Polygel Ultra»..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ДЖУРАБАЕВ ДЖАЛОЛ ТУРГУНБАЕВИЧ

**ЭРУВЧАН ПОЛИМЕРЛАР АСОСИДА ГЕЛ КОМПОЗИЦИЯЛАР
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ЖАРОҲАТ БИТКАЗУВЧИ
«ТИМОГЕЛЬ» ҲАМДА УЛЬТРАТОВУШ ТАШХИСИ УЧУН
«ПОЛИЖЕЛЬ УЛЬТРА» ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Т543 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.biochem.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тураев Аббасхан Сабирханович кимё фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	Раҳмонбердиев Гаппар Раҳмонбердиевич кимё фанлари доктори, профессор
	Садиков Алимджан Зоирович техника фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Кимё ва фармацевтика илмий тадқиқот институти

Диссертация химояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: asrarov54@mail.ru).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.И.Салихов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

М.И.Асраров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

А.А.Ахунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда ташқи таъсир қилувчи юмшоқ дори шакллари ишлаб чиқиш учун кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунга қарамай, ярани битирувчи, куйиш, жароҳатларни даволовчи таъсирга эга, трафик яралар, турли хил этиологияларнинг яллиғланиш жараёнларини даволаш учун ишлатиладиган янги, самарали ва арзон дорилар олиш долзарб бўлиб қолмоқда. Юмшоқ дори воситаларининг ташқи қўлланилиши, доривор моддаларнинг юқори концентрацияси зарарланган яраларда узлуксиз даволашни таъминлайди. Шунинг учун тиббиёт амалиёти учун янги юмшоқ дори шакллари яратиш, уларни амалиётга тадбиқ қилиш, мавжуд технологияларни илмий жиҳатдан ёндошган ҳолда такомиллаштириш фармацевтика саноати учун муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги кунда замонавий тиббиётда ишлаб чиқарилувчи дори воситалари орасида юмшоқ дори шакллари муҳим аҳамиятга эга. Юмшоқ дори шакллари ишлаб чиқаришда физик-кимёвий ва фармацевтик хусусиятлари олдиндан белгиланган гел композицияларини олиш муҳим ҳисобланади. Бундай гел композицияларини олишда полимер асос, таъсир этувчи моддаларни тўғри танлаш, уларнинг физик-кимёвий, технологик ва фармакологик хусусиятларини тадқиқ этиш зарур. Шунинг учун гел композициялари асосида комплекс терапевтик таъсирга эга бўлган самарали воситаларнинг ишлаб чиқариш ва улар асосида самарадор яра битказувчи дори воситаларини яратиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолини маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида олинган арзон ва юқори сифатли дори-дармон ва импорт ўрнини босувчи дори воситалари билан таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегиясининг 4 йўналишида фармацевтика саноатини ҳамда аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари ва тиббий қурилмалар билан таъминланишини яхшилаш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган¹. Жумладан, маҳаллий хом ашёлар асосида фаоллиги чет эл аналогларидан қолишмайдиган янги дори воситаларни яратиш ҳисобига аҳолини арзон фармацевтика маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги № ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда, 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида ҳамда мазкур фаолиятга

¹ Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижлик олимлар томонидан полимерларнинг гел ҳосил бўлиш жараёнлари тадқиқ этилган, гел асосида доривор препаратлар ишлаб чиқиш технологиялари яратилган ва уларнинг биологик фаоллиги аниқланган. Ушбу соҳадаги тадқиқотлар хорижий олимлар J.D Anhage (АҚШ), Brendan Casey (Мэриленд Университети, АҚШ) Zhen Tong, Xinxing Liu (Хитой), AA Veis, B.Maier (Германия), G. Harrington, U Donneli томонидан жадал ривожлантирилган.

МДХ мамлакатларида табиий ва синтетик полимер эритмаларидан гел ҳосил қилиш усуллари ва ушбу жараёнлардаги қонуниятлари ўрганилган. Жумладан, П.И. Зубова и З.Н. Журкина томонидан желатина асосида олинган ивиқларни тузилиши ва уларнинг деформациясининг ҳароратга боғлиқлиги, В.А.Каргин, С.П. Папков, П.А.Ребиндеромлар томонидан полимер эритмалари хусусиятларини ўрганишнинг янги электрон микроскопик усули тадқиқ этилган.

Бизнинг юртимизда, Биоорганик кимё институтида карбоксиметилцеллюлозанинг гел ҳосил қилиши бўйича тадқиқотлар олиб борилган ва унинг асосида ультратовуш ташхиси учун контакт муҳити ишлаб чиқилган (академиклар А.С. Тўраев, С.Ш.Рашидова, А.Т.Джалилов ва бошқалар). Бугунги кунга қадар Ўзбекистонда жароҳатланиш ва куйишга қарши гел асосидаги воситалар ишлаб чиқилмаган.

Ярани даволовчи, куйиш жароҳатларига қарши препаратлар ва ультратовуш диагностикаси учун контакт муҳити вазифасини таъминловчи воситаларни ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича кам сонли илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-3.4 «Тиббиёт, биология ва қишлоқ хўжалигида қўллаш учун целлюлоза ва унинг ҳосилалари асосида тикилган макромолукуляр системалар яратишнинг кимёвий жиҳатлари тадқиқоти» (2003-2005 йй.), А-10-085 «Биометрохлоротим – яра битказувчи ивиқли боғлам» (2006-2008 йй.), ФА-А12-Т164 «Юмшоқ тўқималарнинг камёблигини тўлдириш учун коллаген препаратларини ва жароҳатларни даволовчи Биометрохлоротим гелини ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй.) мавзусидаги амалий ва фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади яра битирувчи ва тўқималар тикланишини тезлатувчи фаолликка эга «Тимогель» комбинацияланган асл препарати ҳамда макромолекуляр акрил гидрогели асосида ултратовуш ташхиси учун контакт муҳити «Полижель Ультра» гелини ишлаб чиқариш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

яра битирувчи ва тўқималар тикланишини тезлатувчи фаолликка эга «Тимогель» препарати ҳамда ултратовуш ташхиси учун контакт муҳити «Полижель Ультра» гелини оптимал таркибини танлаш ва ишлаб чиқариш технологиясини яратиш;

«Тимогель» препарати ва «Полижель Ультра» гелининг фармакологик фаоллигини ўрганиш;

«Тимогель» препарати ва «Полижель Ультра» гелининг физик-кимё ва реологик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

«Тимогель» препарати ва «Полижель Ультра» гелининг стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш;

«Тимогель» препарати ва «Полижель Ультра» гелининг меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

«Тимогель» препарати ва «Полижель Ультра» гелини ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Карбопол Ультрез 21 савдо маркаси остидаги кам даражада тикилган акрил полимери РАП олинган.

Тадқиқотнинг предмети «Тимогель» препарати ва «Полижель Ультра» гелининг олиниш технологиясини яратиш, уларнинг физик-кимёвий, реологик хоссаларини тадқиқ этиш ва стандартлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида физик-кимёвий, реологик таҳлил, *in vitro* ва *in vivo* шароитидаги фармако-токсикологик тадқиқот усулларидан фойдаланилган. Ишлаб чиқилган препаратларнинг стандартизацияси юқори самарали суюқлик хроматографияси усули билан бажарилган. Гель рН муҳитининг аниқланиши Sartorius professional Meter PP 20 универсал ионометри билан амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

макромолекуляр гел (карбопол) асосида таркибида антисептик хлоргексидин, антибактериал метронидазол ва иммуномодуловчи тимоптин препаратлари тутувчи яра битирувчи, тўқималарни қайта тикланишини тезлаштирувчи «Тимогель» асл препарати ва ултратовуш диагностикаси учун контакт муҳитининг оригинал таркиби танланган ҳамда уларни ишлаб чиқиш технологияси яратилган;

«Тимогель» препарати таркибидаги Тимоптин – иммуномодулятори ҳисобига тўқималарнинг репаратив жараёнларини жадаллаштириши ва жароҳатларни битишини тезлаштириши исботланган;

нейтралловчи агентлар антисептик ва антибактериал препаратнинг динамик қовушқоқликка таъсири кўрилган ва антисептик препарат

концентрациясининг ортиши билан гелдаги макромолекулалар орасидаги боғларнинг узилиши ҳисобига унинг шакли барқарорлигини йўқолишига олиб келиши исботланган;

«Тимогель» препаратининг дермототроп фаоллиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

яра битирувчи «Тимогель» препаратининг саноат ишлаб чиқариш технологияси яратилган ва МЧЖ «Torimed Pharm» корхонасида технологик линияси йўлга қўйилган, тажриба партияси партияси ишлаб чиқилган;

ультратовуш ташхис учун контакт муҳити «Полижель Ультра» гелининг саноат ишлаб чиқариш технологияси яратилган ва МЧЖ «Torimed Pharm» корхонасида технологик линияси йўлга қўйилган, 1 тонна миқдоридаги саноат партияси ишлаб чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Биоорганик кимё институтида йўлга қўйилган ультратовуш диагностикаси учун қўлланиладиган «Полижель Ультра» гелининг серияли тарзда ишлаб чиқарилгани билан исботланган. «Тимогель» препаратининг сифати Тошкент шаҳридаги 4 та етакчи клиникаларда текширувдан ўтказилган ва тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникаси экспертизаси ва стандартлаш Давлат маркази» ДУК томонидан меъёрий-техник ҳужжатлар тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти яра битказувчи «Тимогель» препарати ва ультратовуш ташхис учун контакт муҳити «Полижель Ультра» гелининг таркибини, ҳамда фармацевтик корхоналар шароитида ишлаб чиқаришнинг технологик схемалари комплекс асосланганлигидан иборат. Диссертациянинг илмий натижалари биотехнология ва фармацевтика соҳасидаги ўқув ва илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти яра ва куйиш жароҳатларини даволовчи ҳамда ультратовуш ташхиси учун контакт муҳитини таъминловчи янги препаратларнинг ишлаб чиқилганлиги ва тиббиёт амалиётига жорий қилинганлигидан иборат. Импорт ўрнини босувчи ушбу препаратларнинг яратилиши Республикада дори воситаларини маҳаллийлаштириш дастурини бажаришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яра битказувчи препарат ва ультратовуш ташхиси учун гелни ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тимогель» препаратига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси» томонидан тиббиёт амалиётда қўлланилиши учун руҳсат берилган (№05-11, шаҳодатнома) ҳамда ушбу препарат рўйхатга олинган (№DV/M/01574/06/17) ва препаратнинг вақтинчалик фармакопея мақоласи тасдиқланган (ВФС 42 Ўз 1488-2011). Натижада тўқималарни қайта

тикловчи, яра битказувчи фаолликларга эга бўлган самарали маҳаллий препарат олиш имконини берган;

«Полижель Ультра» гелининг саноат ишлаб чиқариш регламенти ишлаб чиқилган (ПР 42 Уз-03873-939386-2010) ва «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатдан ўтказилган (О'з DSt 2793:2013). Натижада «Полижель Ультра» гелини саноат миқёсида ишлаб чиқариш ва республикамизнинг ультратовуш ташхиси учун контакт муҳитга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини берган;

«Полижель Ультра» ва «Тимогель» препаратларини ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси» томонидан гувоҳнома олинган (ТВ/М/0086/09/16-сон гувоҳнома). Натижада «Полижель Ультра» ва «Тимогель» препаратларини «Togimed Pharm» МЧЖ корхонасида ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та ҳалқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси Республика ва 2 таси МДХ журналларда нашр этилган. Шунингдек, 1 та патент олинган, 1 та ВФМ, 1 та саноат регламенти тасдиқланган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Гидрофил полимерларнинг гел ҳосил қилиши тўғрисида умумий маълумотлар**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси юзасидан илмий адабиётлар таҳлили ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган. Адабиётлар шарҳи гел структураланиш

жараёнларини ўрганиш ва полимерларнинг сувли эритмасидан фойдаланиб гелларни ҳосил қилиш ва бунинг учун зарур қурилмалар ҳақидаги маълумотларга бағишланган. Шунингдек, гел асосида олинган тизимлардан амалий фойдаланиш бўйича мисоллар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тимогель препаратининг физик – кимёвий усуллари тадқиқ қилиш ва стандартлаштириш**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот босқичлари, ишлатиладиган материаллар ва усуллар, ҳусусан, юқори сифатли суяқлик хроматографияси, Реотест-2 қурилмасидаги реологик тадқиқотлар, синов намуналарининг фармакотоксикологик хусусиятларини аниқлаш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «**Тимогель препаратини олиш технологиясини ишлаб чиқиш**» номли учинчи бобда «Тимогель» яра битказувчи препаратининг таркиби танлаш, ишлаб чиқариш технологияси ва биологик хусусиятларини ўрганиш бўйича изланишлар натижалари келтирилган. Маълумки, тери экзоген моддаларнинг кириб келишига халақит берадиган табиий тўсиқдир. Дори моддаларни танага тез киришини таъминлаш учун гидрофил асос ишлаб чиқилган бўлиб, улар таъсир этувчи дори моддаларни тери орқали тез кириши ва жароҳатларни тез битишига хизмат қилади.

Юмшоқ дори шакллари олишда полимер асос сифатида полиакрил кислотанинг кам даражада тақилган полимери танланди. Бу синф полимерлари (Карбопол У-ИО, Карбопол 934П) кичик ўлчамли глобуллар туфайли тери орқали юқори ўтказувчанликка эга. Карбополни асос сифатида танланиши куйидаги хусусиятларнинг мавжудлиги билан боғлиқ: паст концентрацияли эритмалари юқори қовушқоқликка эга бўлиши, юқори биофаоллик ва дорининг узоқ муддат таъсирини таъминлаш қобилияти; ножўя ва токсик хусусиятларга эга эмаслиги, кўплаб доривор моддалар гуруҳлари билан мувофиқлиги ва бошқалар. Карбополнинг асос сифатида танланишининг яна бир сабаби унинг бошқа гел ҳосил қилувчи полимерларга нисбатан таннархининг арзонлигидир.

Карбопол муҳит рН га сезгир. Кўпгина дорилар таркибидаги органик кислоталар рН ни ўзгартириши ҳисобига карбополни суялтириши, унинг таркибий ва механик хусусиятларини ўзгартириши мумкин. Ушбу тадқиқотнинг муҳим вазифаларидан бири фаол компонентлар ва асоснинг мос келмаслигини бартараф этишдан иборат эди. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун гел ҳосил қилувчи моддалар, эритувчилар, фаол моддалар ва ёрдамчи моддалар концентрацияси стабил, фармакологик жиҳатдан фаол дори олиш учун экспериментал тарзда оптималлаштирилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, антибактериал дори метронидазолни антисептик дори хлоргексидин ва иммуномодуловчи тимоптиннинг қўшилиши, ярани даволовчи ва иммуномодулатив фаоллиги юқори бўлган жуда самарали дори яратилишига олиб келган.

1-жадвалда фаол моддалар концентрацияси ва уларнинг динамик қовушқоқликка таъсири ҳақида маълумот берилган. Жадвалдан кўриниб

турибдики, препаратнинг бактерицид таъсири фаол моддалар концентрацияси хлоргексидин - 0,025, метронидазол концентрацияси - 0,25% бўлганда яққол намоён бўлади. Хлоргексидин ва метронидазолнинг концентрациясини ошириш гел структурасини ва барқарорлигини йўқолишига олиб келади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, концентрацияси 0,5 - 1,5% оралиғида бўлган карбопол билан ишловчи гел яхши оқувчанлик ва қовушқоқликка эга. Агар концентрация 2% дан ошса, унда бирламчи бўлмаган сувли дисперсия олинади ва нейтраллашдан кейин зич гел ҳосил қилинади. Бунинг натижасида ҳосил бўлган гелда фаол модданинг бир текисда тақсимланмаслиги ва препаратни тубикдан чиқишининг қийинлашувига сабаб бўлади. Концентрацияси 0,5% гача бўлган карбопол гели мақбул реологик хусусиятларга эга.

1-жадвал

Динамик қовушқоқликка хлоргексидин ва метронидазол концентрациясининг таъсири

№	Хлоргексидин, %	Метронидазол, %	Динамик қовушқоқлик, Па С	Кузатилган эффект
1	0,01	0,1	4,5	Кучсиз бактерицид таъсир
2	0,02	0,2	4,3	Бактерицид таъсир
3	0,025	0,25	4,2	Яққол бактерицид таъсир, шакл барқарор, шаффоф
4	0,03	0,3	3,0	Гел шаклини йўқотган, тиниқ эмас
5	0,035	0,35	2,8	Гел шаклини йўқотган, тиниқ эмас
6	0,04	0,4	1,6	Гел оқувчан ва лойиқаланган

Тошкент тиббиёт академиясининг Микробиология кафедрасида «Тимогель» препаратининг патоген микроорганизмларга таъсирини *in vitro* шароитда «Таривид» антимикроб препарати билан таққосланган ҳолда ўрганилган. Тадқиқотлар натижасида тақдим этилган композициялар турли инфекцияли яраларда мавжуд бўладиган 10 патоген микробга қарши антимикроб фаоллик намоён қилиши исботланган.

Микробларнинг дори моддаларга сезгирлигини ўрганиб чиқадиган бўлсак, уларнинг энг яхшиси метронидазол ва хлоргексидин концентрацияси 0,25% ва 0,025% бўлган препарат бўлиб, улар йирингли яллиғланиш, ўткир ичак инфекциялари ва бошқа микоз турларини даволаш учун тавсия этилиши мумкин.

Жароҳатларнинг битиши ва куйишда репаратив жараёнларини тезлаштириш учун Тимоптин гел таркибига қўшилди. Тимоптиннинг гелга қўшиладиган оптимал концентрацияси экссудатив яллиғланиш моделига яллиғланишга қарши фаолликни синаш орқали экспериментал равишда танланган.

2-жадвал

Дори препаратларга нисбатан микроорганизмларнинг сезгирлиги

№	Микроорга- низмлар	Таривид	хлоргек. 0,0125 метронида зол 0,1	хлоргек. 0,025 метронида зол 0,25	хлоргек. 0,03 метронидазол 0,3	асос
1	Стафилококк	18,0±0,3	16,0±0,7	18,0±0,3	20,0±0,5	10,0±0,2
2	Стрептококк	20,0±0,5	6,0±0,4	17,0±0,2	18,0±0,1	6,0±0,1
3	Энтерококки	20,0±0,5	0	16,0±0,1	17,0±0,2	0
4	Псевдомонас	20,0±0,4	0	19,0±0,1	18,0±0,2	0
5	ЭширихийЛП	25,0±0,7	11,0±0,5	15,0±0,5	22,0±0,7	11,0±0,1
6	Эширихий ЛН	20,0±0,4	10,0±0,3	18,0±0,1	25,0±0,7	14,0±0,2
7	Протей	20,0±0,3	5,0±0,2	19,0±0,2	12,0±0,3	6,0±0,1
8	Моғор замбуруғи	5,0±0,01	6,0±0,3	10,0±0,4	8,0±0,5	5,0±0,1
9	p.Candida замбуруғи	5,0±0,01	8,0±0,2	14,0±0,2	14,0±0,1	0
10	Актиномицетлар	12,0±0,2	6,0±0,1	10,0±0,1	12,0±0,2	2,0±0,1

Ўткир экссудатив яллиғланиш моделида Тимоптиннинг гелга қўшилиши, каламушларда яллиғланиш тузалиш вақти асосга солиштириб ўрганилганда 2,5 – 4,5 марта қисқаришига олиб келди. Асос – бу фаол моддалар қўшилмаган, гелнинг ўзи.

3-жадвал

Гелларнинг таркибида тимоптин миқдorigа боғлиқ равишда антиэкссудатив фаоллиги 0,5% Преднизалон мази билан таққосланган холда ($M \pm m$; $n=5$)

Асос	Тимоптин мкг/ 10 г асос	Индукциядан 3 соатдан сўнг панжа ҳажми	Антиэкссудатив фаоллик, %	P
Назорат		70±6,0	-	-
Асос	-	39±3	42±3,6	< 0,01
Тимогель	100	14±1,0	86±6	< 0,01
Тимогель	10	8,6±0,3	88±7	< 0,01
Тимогель	1	17,0±1,2	76±6,2	< 0,01
Преднизалон		32±2,4*	56±5	< 0,01

$P^* < 0,01$ назоратга нисбатан

3-жадвалдан кўриниб турибдики, гелнинг 10 г миқдорига 10 мг Тимоптиннинг кўшилиши антиэкссудатив фаолликнинг юқори бўлишига олиб келган.


Юқорида санаб ўтилганларни ҳисобга олиб, гел таркибига 0,025% хлоргексидин, 0,25% метронидазол ва Тимоптин каби оптимал миқдордаги дорилар кўшилганда, уларнинг нисбати 100 г га 100 мг миқдорни ташкил қилди.

«Тимогель» гелининг реологик катталиклари Реотест-2 (Медингхем) ротацион визкозиметрида аниқланган. Ўлчовлар 25°C ҳароратда, қовушқоқликнинг кенг диапазонида, 2-280 Па*с силжишлар оралиғи 1,5 дан 1310 с⁻¹ гача бўлган силжиш оралиғида, айланиш тезлиги 5 / 13-243 мин⁻¹ тезликда ва ўлчов аниқлиги 3-4% орасида амалга оширилган.

Четга чиқиш кучланиши ва силжиш тезлигини ўлчаб, динамик қовушқоқлик (η) қуйидаги формуладан ёрдамида аниқланган:

$$\eta = \tau_2 / D_2 * 100\%$$

η - динамик қотишқоқлик (Па *с) τ_2 - четга чиқиш кучланиши (10⁻¹Па*с) D_2 – силжиш тезлиги (С⁻¹)




1-расм. Асос ва препарат динамик қовушқоқлигининг сурилиш кучланишига боғлиқлаги: 1. Тимогель 2. Асос

Юқоридаги 1-расмдан кўриниб турибдики, гелга хлоргексидин ва метронидазол кўшилиши препаратнинг қовушқоқлигига сезиларли даражада таъсир қилмаган.

Ҳароратни препаратнинг динамик қовушқоқлигига таъсири

Гел учун зарур бўлган сақлаш шароитларини олдиндан аниқлаш учун, диаграммада келтирилган 20°C, 25°C, 30°C ва 40°C ҳароратда «Тимогель» препарати устида кўшимча реологик тадқиқотлар ўтказилган. Ҳароратнинг ошиши билан препаратнинг қовушқоқлиги пасайган. Гел таркибида интеркомпонентларнинг ўзаро боғлари ва коагуляцияси ҳосил қилишда иштирок этувчи боғларнинг узилишига олиб келган.



2-расм. Динамик қовушқоқликни ҳароратга боғлиқлиги

Юқоридаги тажриба асосида ҳарорат омили гелнинг структуравий ва механик хусусиятларига таъсир қилганлиги кузатилди. Ҳароратни 5 даражага кўтариш намуналарнинг динамик қовушқоқлигини 1,5 баробар қисқартирган. Шунга мос равишда, гелни сақлаш учун тавсия этилган ҳарорат 25-30°C юқори бўлмаган ораликда бўлиши керак.

Препаратни тайёрлашдан 3 ойдан сўнг ва ҳар 6 ойда 25-30°C гача бўлган ҳароратда микробиологик тозаликни аниқлаш натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Намуналарнинг сақланиш мобайнида микробиологик тозаллигини аниқлаш

Сақлаш вақти, ой	Аэроб бактерия ва замбуруғларнинг умумий миқдори (суммарно) 1 г. да (норма: 100 гача)	Enterobacteriaceae, Staphylococcus aureus, Pseudomonas Aeruginosa оилаларига мансуб бактериялар (норма: йўқ)
3	йўқ	йўқ
6	йўқ	йўқ
12	йўқ	йўқ
18	йўқ	йўқ
24	йўқ	йўқ
30	йўқ	йўқ

Натижаларга кўра, гел 30 ой давомида микробиал инфосланишга мойил эмаслиги исботланган.

Тажриба сифатида олинган асос – гел пластик, сақлашга чидамли, барқарорликка эга ва қуруқ қолдиқ миқдори жуда камлиги кузатилган. Олинган гелларнинг муҳим афзаллиги узоқ вақт давомида, ҳатто 40°C гача

бўлган юқори ҳароратларда, шунингдек, музлаш-эриш жараёнларига барқарорлиги билан изоҳланган.

Гидрогел композицияларининг термостабиллиги ўрганилган. Термостатик стабиллашни термостатлаш усули билан ўрганиш. Гел таркиби 60°C да 6 соат термостатда сақланган. Шу билан бир қаторда, гел 14-12°C да музлатилган, аста-секин музлатилган шиша идишга жойлаштирилган. Иккала ҳолатда ҳам синерез, пептизация ёки рангсизланиш ва ҳиднинг ўзгариши каби ҳодисалар кузатилмади. Ўрганилган гелларнинг рН қиймати 6.0-7.0 ташкил этди.

5-жадвал

«Тимогель» препаратининг антиэкссудатив фаоллигини аналогларига солиштирилганидаги нисбати

Моделлар	Тестлар	Тимогель	Левомиколь
Каррагенинли шамоллаш	Антиэкссудатив фаоллиги, % (контроль-29%)	84	60
Каламуш ва қуёнлардаги сунъий яралар	Ярани тозаланиш вақтининг қисқариши, кун (контролга нисбатан)	4	7
	Яранинг битиш вақтининг қисқариши, кун (контролга нисбатан)	3	4-7
	7 кун мобайнида яранинг битиш тезлиги, % (контроль-29%)	90-81	65
Термик куйги	Ярани тозаланиш вақтининг қисқариши, кун (контролга нисбатан)	5	2
	Яранинг битиш вақтининг қисқариши, кун (контролга нисбатан)	8	3
	7 кун мобайнида яранинг битиш тезлиги, % (контроль-29%)	76	47
Ультрабинафша эритема	Ярани тозаланиш вақтининг қисқариши, кун (контролга нисбатан)	6	3
	Яранинг битиш вақтининг қисқариши, кун (контролга нисбатан)	13	10
	7 кун мобайнида яранинг битиш тезлиги, % (контроль-29%)	92	85

* $P < 0,01$ контролга нисбатан

«Тимогель» препаратининг биологик фаоллиги ўрганилди. 5-жадвалдан кўринадики, «Тимогель» препарати Левомикол препарати билан таққосланганда, «Тимогель» препарати ўзига хос юқори фаоллигини кўрсатган.

6-жадвал

Тимогель препаратининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткич номи	Кўрсаткич
1. Ташқи кўриниши	Желесимон масса, рангсиз
2. Ҳиди	Ҳидсиз
3. рН	5,5-6,5
4. Қуруқ қолдик масса улуши, %	2,4-2,5
5. Ранги	Шаффоф
6. Эрувчанлиги	Сувда эрийди, гексан, ацетонда ёмон эрийди, спирт билан чекланган миқдорда аралашади
7. Сақланиш муддати	24 ой мобайнида барқарор
8. Оксидланиш	Очиқ ҳавода оксидланмайди, гидролизланмайди ва полимерланмайди
9. Динамик ковушқоқлиги Па.с	4,0-4,5
10. Зарралар ўлчами	100 мкмдан ортмайди

Иزلанишлар натижаси шуни кўрсатди:

1. Консистенция – меъёрий. Гел горизонтал ва қия (қиялик бурчаги 90°С) сиртга суртилганда унинг оқиши кузатилмаган. Консистенция чет эл аналоглари билан бир хил.


2. Сақлаш шартлари. Гелни ёпиқ қадоқда 25°С-30°С сақланганда ҳеч қандай ўзгариши кузатилмади. Консистенцияси, гомогенлиги, донадорлик ўзгариши кузатилмаган.

3. Гелнинг микроорганизмлар мажудлигига текширилганда натижалар салбий натижа берди. Гел озуқа муҳитига экилганда микробларнинг ўсиши кузатилмаган. Ушбу натижалар турли сақланиш муддатига эга геллар текширилганда ҳам кузатилган.

4. Гелда кам миқдорда қуруқ қолдик мавжуд, қоғозда, терида, кийимда мойсимон доғлар қолдирмайди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида «Тимогель» препаратини ишлаб чиқариш апаратура схемаси яратилган.

Тимогел препаратини ишлаб чиқариш аппаратура схемаси



Диссертациянинг «Ультратовуш ташхиси учун контакт муҳит «Полижель Ультра» гелини ишлаб чиқиш технологиясини яратиш» деб номланган тўртинчи бобда ультратовуш ташхиси учун контакт муҳит «Полижель Ультра» гелини олиш бўйича изланиш натижалари келтирилган.

Тадқиқот натижасида шаффоф, шакли барқарор, куруқ қолдиқ миқдорининг камлиги ва $4,5 \text{ Па} \cdot \text{с}$ динамик қовушқоқликка эга бўлганлиги боис карбопол асосида олинган гел танланган.

Анъанавий контакт суюқликлар: сув ёки мойдан фойдаланиш қатор қийинчиликлар билан чекланган. Жумладан, биринчи навбатда қовушқоқлигининг кичиклиги, доғ қолдириши ва бошқалар.

Бу камчиликлар полимерлар асосида олинган гелларда кузатилмайди. Полимер геллар шакли барқарор, учувчан эмас, яхши сурилади. Шунинг учун бундай геллар тиббий ташхисда контакт муҳити сифатида қўллаш учун мақбул ҳисобланади. Шунингдек, структураланган муҳитдан структураланмаган муҳитга нисбатан 6-8 марта ультратовушни яхши ўтказди ва структураланган деярли бир хил товуш ўтказувчанликка эга: тана $C=1550 \text{ м/с}$, муҳит $C=1603 \text{ м/с}$.

Карбопол асосида олинган гелнинг кантакт муҳит сифатида қўллаш ҳақида фикр юритиш учун унинг акустик хусусиятларини, аввало ютиш коэффиценти ва товуш тезлигини билишимиз лозим. Шунинг учун карбопол асосида тайёрланган контакт гелнинг акустик хусусиятларини чет элда ишлаб чиқарилган контакт гелларнинг хусусиятлари билан таққосланган.

Ультратовуш ташхиси учун контакт муҳитлар юқори даражада акустик тўлқинларни тарқатиши C (м/с) ва товушни кам ютиш коэффицентига α (см^{-1}) эга бўлиши лозим. Шунинг учун контакт муҳитлар тадқиқотида c/α катталиқ ҳисобланади ва бу катталиқ қачалиқ юқори бўлса контакт муҳитининг товуш ўтказувчанлик хусусияти шунчалиқ яхши бўлади.

Олинган контакт гелларнинг товуш ўтказувчанлик хусусиятлари резонанс хоссасига асосланган акустик интерферометр қурилмасида ўрганилди. Бунда товуш тезлиги C ва унинг ютилиш коэффиценти 36°C ҳароратда 1,5 – 7 МГц оралигидаги частотада ўлчанган.

Маълумки, бундай системаларда, айниқса юқори қовушоқ эритмаларда эриган ҳаво ноаниқ натижалар олинишига сабаб бўлган. Шунинг учун текширувлардан олдин суюқликлар юқори вакуумлаш орқали эриган ҳаводан тозаланган.

7-жадвал

Полижель Ультра гели ва аналогларининг товуш ўтказувчанлик хусусиятлари

Гел композициялар	Частоты (МГц)				
	1,5	2,2	4,1	4,8	7,4
	c/α қийматлари ($\text{м}^2/\text{с}$)* 10^7				
0,6% р-р Na-КМЦ	5,613	2,382	0,827	0,604	0,285
1,6% Na-КМЦ эр-си ва сув:глицерин 1:1 аралашмаси	5,852	2,633	0,987	0,658	0,263
Полижель Ультра(карбопол)	13,910	8,536	2,468	1,663	0,612
Полижель (КМЦ)	6,432	2,907	2,510	1,721	0,362
Соногель (Германия)	13,930	8,620	0,893	0,734	0,618
Аквасоник(США)	10,920	6,71	1,683	1,56	0,412

Юқоридаги 7-жадвалда карбопол асосида олинган гелларнинг карбоксиметилцеллюлоза асосида олинган гел «Полижель» ҳамда «Соногель» (Германия), «Аквасоник» (США) билан таққосланган ҳолда ультратовуш ўтказувчанлиги келтирилган.


«Полижель Ультра» гелининг турли частоталардаги товуш ўтказувчанлиги c/α кузатилган.

7-жадвалда ҳам карбопол асосида олинган гелларнинг учун с/α юқори қийматга эгаллиги ҳамда «Соногель» (Германия) билан бир хил, лекин бошқа оддий структураланмаган геллардан юқори эканлиги кўриниб турибди.

Мазкур системаларда сув миқдорининг ортиши билан уларнинг акустик хусусиятлари яхшиланиб боради. «Полижель Ультра» таркибида сувнинг миқдори 98%, шунинг учун у с/α юқори қийматга эга. Шундай қилиб, тадқиқотлар биз томонимиздан олинган ультратовуш ташхиси учун контакт муҳити «Полижель Ультра» гели ўзининг хусусиятлари ва эксплуатацион кўрсаткичлари бўйича чет эл аналогларидан қолишмаслигини кўрсатган.

Ультратовуш ташхиси учун контакт муҳити «Полижель Ультра» гели ишлаб чиқариш технологияси яратилган.

Полижель Ультра гелини ишлаб чиқаришнинг қурилма схемаси



«Torimed Pharm» МЧЖ корхонасида «Полижель Ультра» препаратларини саноат ишлаб чиқариш линияси йўлга қўйилган. «Полижель Ультра» препаратининг ҳажми 300 кг дан бўлган 3 та саноат партияси ишлаб чиқарилган.

Хулосалар

1. Юмшоқ дори воситасини олиш учун гелли асос ишлаб чиқилди. Олинган гелли асос юмшоқ дори воситалари учун қўйиладиган барча талабларга жавоб бериши аниқланди. Гелли асос сифатида синтетик полимер карбопол танланди.

2. Илк бор гел асосида яра битказувчи, тўқималарни тикловчи «Тимогель» дори воситаси яратилди. Гел таркибига антибактериал, антисептик ва иммуномодуловчи препаратлар қўшиш орқали комбинирланган хусусиятга эга препарат олиш тавсия этилди.

3. «Тимогель» дори воситаси таркибидаги асосий таъсир этувчи моддаларнинг сифат ва миқдорий таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилиб, технологик жараён босқичларини назорат қилиш ва стандартлаш учун тавсия этилди.

4. «Тимогель» дори воситасининг фармакологик фаоллиги ўрганилди ва унинг юқори самарали яра битказувчи, ялиғланиш ва тўқима тикловчи таъсирга эга эканлиги аниқланди. Тўқималарнинг репаратив жараёнларини фаоллаштириш ва жароҳатнинг битиш вақтини қисқартириш учун дори воситаси таркибига Тимоптин – иммуномодуляторини киритиш тавсия этилди.

5. Гелли асосдан «Полижель Ультра» дори воситасини олиш технологияси ишлаб чиқилди. Гелнинг физик-кимёвий, акустик ва реологик хоссаларини ўрганилиши натижасида унинг эксплуатацион хусусиятлари жиҳатидан чет эл аналоглари Соногель (Германия) ва Аквасоник (США) даражасидалиги кузатилди. «Полижель Ультра» препаратини ультратовуш ташхиси учун контакт восита сифатида қўллаш учун тавсия этилди.

6. Олинган натижалар асосида «Torimed Pharm» МЧЖ корхонасида «Тимогель» ва «Полижель Ультра» дори воситаларини ишлаб чиқариш линияси ташкил этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. К/В/Т. 37.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИООРГАНИЧЕСКОЙ
ХИМИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА,
ИНСТИТУТЕ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

ДЖУРАБАЕВ ДЖАЛОЛ ТУРГУНБАЕВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ ГЕЛЕВЫХ КОМПОЗИЦИЙ НА
ОСНОВЕ ГИДРОФИЛЬНЫХ ПОЛИМЕРОВ И РАЗРАБОТКА
РАНОЗАЖИВЛЯЮЩЕГО ПРЕПАРАТА «ТИМОГЕЛЬ» И
КОНТАКТНОЙ СРЕДЫ ДЛЯ УЛЬТРАЗВУКОВОЙ
ДИАГНОСТИКИ «ПОЛИЖЕЛЬ УЛЬТРА»**

02.00.10 - Биоорганическая химия

АВТОРЕФЕРАТ

**ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/T543

Диссертация выполнена в Институте биоорганической химии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.biochem.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Тураев Аббасхан Сабирханович
доктор химических наук, академик

Официальные оппоненты:

Рахмонбердиев Гаппар Рахмонбердиевич
доктор химических наук, профессор

Садиков Алимджан Заирович
доктор технических наук

Ведущая организация:

Узбекский научно-исследовательский институт химии и фармацевтики

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.K/B/T.37.01 при Институте биоорганической химии, Национальном университете Узбекистана, Институте химии растительных веществ Узбекистана (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (зарегистрировано под № ____). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: asrarov54@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: «__» _____ 2018 г.
(реестр протокола рассылки № «__» от _____ 2018 г).

Ш.И.Салихов

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., академик

М.И.Асраров

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

А.А.Ахунов

Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире проводятся многочисленные исследования по разработке мягких лекарственных форм наружного действия. Наружный способ применения мягких лекарственных форм позволяет обеспечить максимальную концентрацию лекарственных веществ непосредственно в очаге поражения. Поэтому одной из важнейших задач фармацевтической промышленности является внедрение в медицинскую практику производства мягких лекарственных форм и дальнейшее усовершенствование существующих технологий на основе научного подхода.

На сегодняшний день одной из важных задач современной медицины является получение комбинированных гелевых композиций с заранее заданными физико-химическими и фармацевтическими свойствами. Несмотря на большое разнообразие гелевых композиций, они не всегда бывают эффективными и не удовлетворяют медиков, что указывает на актуальность данной проблемы. В связи с этим, проводятся исследования по разработке эффективных лечебных средств, обладающих комплексом терапевтического действия и созданию на их основе эффективных ранозаживляющих препаратов.

В нашей стране были приняты широкие меры по обеспечению населения страны дешевыми и высококачественными лекарствами, полученными из местного растительного сырья и внедрение в производство импортозамещающих препаратов. В 4-м направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важнейшие задачи по развитию «фармацевтической промышленности и улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарственными препаратами и медицинскими изделиями»². В связи с этим одной из важнейших проблем является удовлетворение потребности населения дешевой фармацевтической продукцией путем создания новых лекарственных средств из местного сырья, не уступающих по активности зарубежным аналогам.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3532 от 14 февраля 2018 г «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли» и Указе Президента № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017 - 2021 годах», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

² Указе Президента № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017 – 2021 годах»

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Зарубежными учеными исследовались процессы студнеобразования полимеров, разработаны технологии получения лекарственных препаратов на гелевой основе и исследована их биологическая активность. Исследования в данном направлении активно развивались зарубежными учеными – J.D Anhrage (США), Brendan Casey (University of Maryland США) Zhen Tong, Xinxing Liu (Китай), A.A.Veis, B.Maier (Германия), G. Harrington, U. Donneli.

В странах СНГ методы получения и закономерности процессов гелеобразования растворов природных и синтетических полимеров составляли предмет многочисленных исследований в частности, П.И. Зубовым и З.Н. Журкиной изучено строение студней, зависимость деформации студней от температуры, получение глобулярной желатины, В.А.Каргиным, С.П. Папковым, П.А.Ребиндером разработан новый метод прямого наблюдения структуры растворов полимеров в электронном микроскопе.

